*Мутахассис маслаҳати*

# БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРДАГИ МУҲИМ ЮМУШЛАР

Жумҳуриятимизнинг вилоят ва районларида кейинги йилларда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришга аҳамият кучайди. Кам ҳосилли, сийраклашиб қолган эски боғ ва токзорлар ўрнини янги сермаҳсул навлар эгаллай бошлади.

Янги экилган мева ва ток ниҳоллари баравж ўсиб ривожланиши учун қандай ишларни амалга ошириш керак?

Экилган кўчатларга шакл бериш мақсадида уларнинг ён новдаларидан 30—40 фоизи қирқиб ташланади ва марказий етакчи новда ён новдаларга нисбатан 30—35 сантиметргача узунликда қирқилади. Бундан мақсад келгусида навбатдаги ярусда шохлар барпо қилишдир. Ток ниҳолларидаги новдалардан 2—3 тадан куртак қолдириб, юқори қисми чилпиб олиб ташланади. Шунда кўчатнинг илдиз қисми тез ривожланади ва ўсимликнинг нормал ўсиши таъминланади. Кўчатларда сархил новдалар пайдо бўлиб, бир йиллик кўк новдаларда етук, бақувват, кенг шапалоқли барглар шаклланади.

Экилган кўчатлар 8—10 кунда бир мартадан суғорилади ва ер етилиши билан тупроқ қатламларида намни сақлаб қолиш учун ер юзаси культивация қилиниб, юмшатиб борилади. Бундай ишларни айниқса тошлоқ, тупроғи қумлоқ ва лалмикор ерларда ўтказиш катта аҳамиятга эгадир.

Экилган кўчат қатор ораларидан фойдаланиш ғоят самаралидир. Маълумки, узумзорларда 1—2 йил, мевазорларда бир неча йиллар давомида бўш ётадиган шундай оралиқларга эртаги ва ўртаги сабзавот ҳамда полиз экинлари экиш мумкин. Шундай қилинганда оралиқ экинлардан юқори ҳосил олиш билан бир қаторда янги экилган ниҳолларнинг баравж ўсишига эришилади.

Ёш ниҳолларнинг танаси қуёш нуридан куймаслиги учун икки қисм оҳак билан бир қисм соф тупроқ аралашмасидан суюқлик тайёрланиб, кўчатнинг танаси оқлаб қўйилади.

Ҳар бир хўжаликда технология жараёнлари ўз вақтида тўла ва сифатли ўтказилиши таъминланса, фан ютуқлари ва илғор тажрибалар кенг жорий этилса, соҳага меҳр-муҳаббат уйғотилса, механизациядан тўла ва оқилона фойдаланилса, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш ишлари бекаму кўст ўтказилса боғ ва токзорлар ҳосилдорлигини 1—2 йил ичида камида икки баравар ошириш мумкин.

Маълумки, ўтган йили кўпчилик хўжаликларда мева ва узумдан мўл ҳосил етиштирилди. Боғ ва токзорларда қўшимча агротехника тадбирлари ўтказилмади. Бу эса мева дарахтлари ва ток туплари анчагина кучсизланишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам уларни жадаллик билан тўла озиқлантириш, суғориш ва бошқа парвариш ишларини ўз вақтида сифатли ўтказиш керак.

Ёш боғ ва токзорларда кўчат хатосига янгитдан кўчатлар экилади. Бу кўчатларни алоҳида парвариш қилиб, уларга керакли шакл бериш, суғориш ишига жиддий эътибор қаратиш лозим. Ёш боғларда дарахт атрофларидан ўсиб чиққан ортиқча бачки новдаларни олиб ташлаш ва кўчат атрофини яхшилаб ишлаш, бегона ўтлардан тозалаш чораларини кўриш зарур. Яқинда бўлиб ўтган табиий офатлар баъзи бир ҳудудларда ўрик, олча, шафтоли, олма ва нок дарахтлари ғўраларининг қисман тўкилишига сабаб бўлди.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, айни шу кунларда боғ ва токзорлар қатор ораларига ишлов беришни кучайтириш лозим. Бунинг учун органик ўғитга азотли, фосфорли ва калийли минерал ўғитларни аралаштириб, мосламалар ёрдамида 30—35 сантиметр чуқурликда солиб, ерни юмшатиш ва суғоришни таъминлаш керак. Тупроқдаги намликни сақлаш тадбирлари кўриб борилса, ўсимлик озуқа моддаларидан, намликдан яхши баҳраманд бўлади, яхши озиқланади, ғўраларнинг тўкилиши анча камаяди. Уларнинг яхши озиқланиши натижасида меваси йирик, донадор бўлиб етилади ҳамда келаси йилги ҳосил куртаги ҳам ривожланади. Айниқса бу йилги шароитда узумзорларда сифатли хомток ўтказиб, тупнинг қалинлашишига йўл қўймаслик, олтингугурт кукуни билан чанглатиб бориш муҳим тадбирдир.

Мевали дарахт ва ток қатор оралари бегона ўтлардан тозаланиб, шудгор ҳолатида сақланади. Бу ерларга ишлов беришда болгар фрезасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шу кунларда токзорларда бир йиллик кўк новдаларда шўралар тўлиқ шаклланмоқда. Худди шу даврда ҳар бир новдадаги кўздан ўсиб чиққан ёш ҳосилсиз кўк новдаларнинг ортиқчасини аниқлаб, ҳосилли ва зарур, бақувват ўсганларини қолдириб, қолганлари эҳтиёткорлик билан олиб ташланади. Биринчи шўра хомток даврида ток кундаларидан бир нечталаб ёш новдалар ўсиб чиқиши мумкин. Шу новдалардан қаторга мослаб 3—4 тасини қолдириб, бошқалари олиб ташланади. Бунда кундада қолдирилган новдалар ток тупларининг қаторига бир текисда ётиши мўлжалга олиниши, улардан янги, ҳосилли зангларни вужудга келтириш мақсадида парвариш қилиш даркор.

Иккинчи ғўра хомтокни шўралар тўлиқ гуллаб, ғўралар мошдек катталикда бўлганда ўтказилади. Бунда бир йиллик кўк новда барг қўлтиғидан ўсиб чиққан иккинчи тартибли бачки новдаларнинг ҳаммаси қотмасдан олиб ташланади. Биринчи хомтокдан чала қолиб кетган ортиқча новдалар ҳам хомток қилинади. Ҳар бир хомток ўз вақтида қисқа муддатда ўтказилса, озуқа моддалар бекорга сарфланмайди. Улар ток тупида ўсаётган асосий новдаларнинг нормал ўсишига куч беради. Асосан шўралар яхши гуллаб, уларнинг кўпроқ ғўраларга айланишига хизмат қилади. Май-июнь ойларида бир йиллик кўк новдаларнинг барг қўлтиқларида келгуси йил ҳосил берадиган ва ўсувчи куртаклар ҳам пайдо бўла бошлайди. Мана шу мураккаб агробиологик жараёнларнинг яхши ўтиши учун токни қўшимча озиқлантириш, суғориш ва шунга ўхшаш зарур ишларни ўз вақтида узвий боғлаб ўтказиш талаб қилинади. Ҳар бир хомтокни ўтказгандан кейин тезликда кўк новдалар намланган чипта ёки яккон ўти билан симбағазларга секин-аста тортиб саккизсимон қилиб эҳтиётлик билан боғланади.

Токнинг нозик кўк новдаларини ўз вақтида тараб боғлаш узум бошларини донадор, ширин, рангдор ва салмоқли бўлиб етилишида жуда катта аҳамиятга эга.

Маълумки, жумҳуриятимизнинг узумзорларида уруғсиз майиз берадиган кишмиш навлари ҳам анчагина майдонни ташкил қилади. Фан томонидан ишлаб чиқилган масалалардан биттаси мана шу уруғсиз узум навларини ўстирувчи модда билан ишлаш. Шундай қилинганда ҳосил 30—40 центнер кўпаяди. Бир гектар узумзорни ишлаш учун ўртача 40—50 грамм гиббереллин сарфланади. Шунча миқдордаги гиббереллин 600—800 литр сувда эритилиб фақат токлар гуллаб бўлгандан 4—5 кун ўтгач, гул шингилларининг ўзига автомакс ёрдамида сепилади. Бу тадбир эрталаб ёки кечки салқин вақтларда ўтказилади.

Узум ғужумлари гиббереллин сепилмаган токларга нисбатан икки марта йириклашади, узум бошлари ҳам анчагина катта бўлади. Шуни унутмаслик зарурки, гиббереллин билан ишланадиган узумзорлар албатта қўшимча 1—2 марта суғорилиши ва бир марта яхшилаб озиқлантирилиши шарт. Акс ҳолда ток туплари кучсизланади, ер унумдорлиги камаяди, натижада кейинги йилларда ҳосил миқдори озайиб кетади.

Об-ҳавонинг пасайиб кетиши ҳамда ёғингарчиликнинг кўп бўлиши натижасида талайгина хўжаликларда токлар одатдагидан кўра кучли ўсиб, туплари қалинлашмоқда. Бу ўсишни сусайтириш, новданинг кузгача пишиб етилиши ҳамда сифатли ҳосил етиштирилиши учун тезлик билан токзорларда новдаларга тур моддасини сепиш керак.

Кейинги кунларда жумҳуриятимизнинг айрим вилоят ва районларида ёғингарчилик одатдан ташқари кўп бўлиб, баъзи ерларда сел келиши, дўл ёғиши натижасида боғ ва токзорларга катта зарар етди. Табиат келтирган бу зарарнинг ўрнини тўлдириш учун боғ ва токзорларга эътиборни янада кучайтириб, барча агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш ва қўшимча тадбирлар кўриш билан бу йилги шароитда мумкин қадар сифатли ҳосил олишга эришишимиз керак.

Зарарланган боғ ва токзорларда тезлик билан қатор ораларига қўшимча ишлов берилиши зарур. Бунда ҳар гектар ерга 10—15 тонна чириган гўнг билан 60—90 килограмм азотли ўғит солинади. Шикастланган новдалар жадал тикланиб, суғориш, хомток қилиш, касаллик ва зараркунандаларга қарши ишларни ўтказиш талаб этилади.

Симбағазга кўтарилган, ерда ётган токларни тезлик билан хомток қилиб, зарарланган, нимжон, кераксиз новдалар олиб ташланади, уларни ердан бироз кўтариб орасидан ҳаво ўтадиган, қуёш нури нормал тушадиган ҳолатга келтириш лозим.

Бу йилги кўклам мавсуми сурункали серёғин келиши оқибатида намгарчиликнинг кўпайиши ва ҳавонинг салқин бўлиши боғ ва токзорларда зараркунанда ва касалликларнинг авж олиб ривожланишига ниҳоятда қулай шароит туғдиряпти. Шунинг учун ҳам мутахассис боғбонлар барча турдаги мева дарахтларига путур етказадиган зараркунандалардан огоҳ бўлишлари керак. Кураш чораси ўз вақтида ва сифатли олиб борилмаган боғларда сохта қалқондорлар тарқалиши кузатиляпти.

Бу зараркунанда данакли боғлар ҳосилдорлигини камайтирибгина қолмай, дарахтларни қуритиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳозирги кунларда фазалон ёки карбофоснинг 0,3 фоизлиги (100 литр сувга 300 грамм) билан пуркашимиз зарур.

Токзорларда ҳосилни кескин камайтирувчи ва ток тупининг ривожига салбий таъсир этувчи касалликлар — ун шудринг (кул оидиум), доғли антракноз ва зараркунандалардан эса узумхўр қуртдир. Маълумки, ўтган йил мавсумида кул касали кучли ривожланди ва ҳосилга анча путур етди.

Бу касаллик анча сақланиб қолганлиги сабабли шу кўклам-ёз мавсумида токзорларни парвариш қилишни яна ҳам яхшилашимиз, ҳимоя ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказишимиз керак. Шунинг учун токзорларни гулга киргунга қадар шўра хомтокни ўтказиш билан бир қаторда олтингугурт кукуни билан чанглантириш зарур. Олтингугурт 20—25 килограмм ҳисобида сарфланади. ОШУ-50 чанглатгичи билан 2—3 қатор оралатиб ишлов берилади. Токзорлар гулдан чиққандан кейин 7—10 кун ўтгач чанглатиш такрорланади.

Май ойининг охирларида, ёғингарчилик бўлиб қолган тақдирда токзорлар яна бир марта чанглатилади. Бунда олтингугурт сарфи 30—35 килограммга етказилади. Айрим токзорларда антрокноз (қорасон) касаллиги кузатилса, касаллик ўчоқларида ток туплари 1 фоизли бордос суюқлиги (100 литр сувга 1 килограмм мис купороси ва 1 килограмм оҳак) ёки купрозан мис, хлор оксиди, цинеб каби препаратларнинг 0,5 фоиз эритмаси билан ишланади.

Касалликдан зарарланган шўрабарг, ғужумлар териб олиниб, ерга чуқур кўмиб ташланади. Ёғингарчилик бўлиб турса, бундай ишлов такрорланади.

Узумхўр қуртига қарши ишлов бериш ҳам токлар гулга киргунга қадар ўтказилади. Узумхўрга қарши иккинчи ишлов токлар гулдан чиққач, 17—20 кун ўтгандан кейин ўтказилади. Муддатларни яна ҳам аниқлаш мақсадида июннинг биринчи кунларидан токзорларга феромонли тутқичлар қўйилади ва биринчи капалак тушгандан 10—14 кун ўтгач, пуркаш ишлари ўтказилади. Бунда золон ёки карбофос препарати токзорлар қалинлашиб кетганлигини ҳисобга олган ҳолда гектарига 2,5—4 килограмм миқдорида сарфланади.

Боғ ва токзорларда юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирий чораларнинг ўз вақтида сифатли ўтказилиши бу йилги шароитда мўл ва баракали ҳосил етиштириш имконини беради.

**М. МИРЗАЕВ,**
**Р. Р. Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, ВАСХНИЛ академиги.**

## ИҚТИСОДИЁТ ЖАБҲАСИДА

### ФАХРИЙЛАР УЧУН

Нукусга кираверишдаги ёнилғи қуйиш бекати Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва иштирокчиларининг автомобилларини бензин билан таъминлайди. Бу бекатга ихтисослаштирилган станция мақоми берилган. Унинг вазифаси автомобилдан ҳашам учун эмас, балки ҳаракатланиш воситаси сифатида фойдаланувчиларни ижтимоий ҳимоялашдан иборатдир. Ёнилғи доим ҳам бўлавермаслигига қарамай, бу ерда фахрийлар истаган вақтда ўз машиналарига бензин қуйиб олишлари мумкин. Станция бир кеча-кундузда қарийб беш юз мижозга хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

### КИМ ОШДИ САВДОСИ

**Бухоро вилоят ижроия комитети автомобиллар кимошди савдосини ташкил қилиб, ярим миллион сўмдан кўпроқ фойда олди. Кимошди савдоси шаҳар стадионида ўтказилди. Савдода қатнашиш учун минг кишидан кўпроқ одам тўпланди. Бу ерда «Москвич-412» автомашиналари, «Жигули»нинг уч тури сотилди.**

**Тўпланганлар «Москвич»га қизиқишмади. Лекин «ВАЗ-2106»ларнинг бештаси давлат нархидан анча юқори нархда — 57—58 минг сўмдан сотилди. Иккита «08»ни харидорлар 61 ва 63 минг сўмга олишди. «09»лар учун кураш айниқса қизғин тус олди. Улар 77 ва 80 минг сўмдан сотилди.**

**Бухоро вилоят ижроия комитетидан хабар қилишларича, тушган маблағнинг аксарият қисми хайрия мақсадларига сарфланади.**

*«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР*

# „ЕР УМРИГА ЗАВОЛ БЎЛМАНГ“

**Рўзномамизнинг шу йил 2 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола чоп этилганди. Унда, жумладан, шундай дейилган: «...Марказий Фарғонанинг Уч уй, Қизилтепа, Қолгандарё, Ширинқудуқ, Сарсонқум, Қозоқовул каби массивларида ўзлаштирилган катта майдонлар ҳосилдорлиги пастлигича қолмоқда. Масалан, хўжаликларнинг чўл участкаларидаги 454 та бригадасидан 86 таси бултур режаларини бажармади. Бу жамоаларнинг қарийб 100 таси гектаридан 20 центнердан ёки вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан салкам 11 центнердан оз ҳосил олди».**

**Қўриқда самарадорлик ортмаётганлигининг, таннарх қимматга тушаётганлигининг асосий сабаби янги ўзлаштирилган майдонларга эътибор ёмонлиги, ерлар жорий текисланмагани, шўри ювилмагани, таркиби бойитилмагани, суғориш шохобчалари равонлаштирилмагани эканлиги айтилганди.**

**Мақола юзасидан муҳарририятимиз қуйидаги жавобни олди:**

— Рўзноманинг шу йил 44-сонида босилган «Ер умрига завол бўлманг» мақоласини атрофлича ўрганиб, шуларни маълум қиламиз.

Фарғона вилоятининг резерви бўлган Марказий Фарғонанинг қўриқ ерларида жойлашган хўжаликлар экинлардан кам ҳосил олишаётгани, тупроқ унумдорлиги пастлиги, оқава ва зах сувлардан фойдаланилаётгани, лоток ва бетон ариқлар таъмирлашга муҳтожлиги, қишки шўр ювишда сув яхши ишлатилмаётгани, ортиқча исроф қилинаётгани ва бошқа камчиликлар тўғри қаламга олинган. Мақолада Марказий Фарғонанинг янги (асосан қумлик ерлардан) ўзлаштирилган майдонларида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан оз ҳосил олинмоқда, дейилган.

Бу ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш юзасидан сезиларли ишлар қилинди. Гектаридан 15—20 центнердан паст оқ олтин етиштириладиган пайкаллар озуқа экинларига ажратилди. Вилоят чорвачилигини ривожлантириш учун пахтазорлар қисқартирилиб, ем-хашак майдонлари кенгайди. Натижада деҳқончилик тузилмасида беданинг салмоғи 21,5 фоизга етди. Бу йил бултурга нисбатан 7.600 гектардан зиёд ерга озуқа экинлари экиш мўлжалланган.

Марказий Фарғона даштида (обиҳавошунослар маълумотига кўра) бир йилда 43 кун кучли шамол эсиб туради. Бундан қишлоқ хўжалигига катта зарар етмоқда. Бу шамолнинг кучини қирқиш борасида маълум тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин 1988 йилдан иҳота дарахтзорлари барпо этиш учун етарли маблағ ажратилмаганлиги, иқтисодий камқувват хўжаликларнинг бунга маблағлари етишмаслиги оқибатида сўнгги уч йил ичида тўсиқ учун кўчатлар экиш кўнгилдагидек бўлмади. 1991 йилда эса бу ишларни бажариш учун Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан 550 минг сўм маблағ ажратилди ва шу асосда иш йўлга қўйилди. Ҳозиргача Фарғона ва Қўқон ўрмон хўжаликлари томонидан 343 гектар майдонда иҳотазорлар яратилди. Бу билан вилоятимизнинг Марказий Фарғона даштида бунёд қилинган иҳота дарахтзорлари умумий ҳажми 5 минг гектарга етказилди. Фақат тупроғи шўр бўлгани учун бу ерга ўтказилган ток, жийда, қайрағоч, терак кўчатлари одатдаги беш йилда эмас, балки ўн-ўн беш йил давомида вояга етиб, шундан кейин кўзланган самарани бермоқда.

Марказий Фарғона дашти асосан ўртача ва кучли шўрланган. Бундай шароитда тупроқ таркибидаги шўрни сифатли ювиш мўлжалдаги ҳосилни олишнинг асосий омилларидан биридир. Олдинги йилларда шўр ювиш учун декабрданоқ катта Андижон каналидан сув берилари. Натижада бу тадбир барвақт бажарилган майдонлардаги нам апрель ойига келиб тупроқда қолмасди. Шундан сўнг экиш олдидан марзалар текисланиб, жўяк олиниб, сув таралари. Ҳозирги пайтда Сирдарё ҳавзасида экинзорлар кенгайиши, Орол муаммоси юзага келиши оқибатида вилоятимизга сув қатъий маром асосида ажратиляпти. Олтиариқ райони хўжаликларига у пулга берилмоқда. Бошқа районларда ҳам оби-ҳаётга ҳақ тўлашга ўтиш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Шу сабабларга кўра, кейинги йилларда суғориш тартибига асосан ерларнинг шўрини ювиш февраль, март ойларида қисқа муддатда ўтказилиши мўлжалланган. Бундан мақсад, биринчидан, бу даврда об-ҳаво юмшоқ, кунлар узун бўлганлиги туфайли шўр ювиш сифатли ўтказилади, иккинчидан, обиҳаётдан унумли фойдаланилади, учинчидан эса экиш олдидан сув беришга ҳожат қолмайди ва тежамкорликка эришилади.

Бироқ шуларга қарамай, бултур катта Андижон каналига сув декабрь ойида очилди. Январда ҳаво паст келиши натижасида кечаси сувдан айрим хўжаликларда чиндан ҳам тўлиқ фойдаланилмади ҳамда шўр ювиш сифатсиз ўтказилди. Катта Андижон канали суви билан тупроқ шўрини ювишни 1 апрелга қадар тугатиш учун ҳамма чоралар кўрилди. Зовур сувларини ишлатишга келсак, ёзги парвариш даврида, оби-ҳаёт етишмай қолганда уни тоза сувга қўшиб, экинларни суғоришга мажбур бўлаяпмиз. Албатта, бунда ҳар бир зовурдан олинаётган сувнинг тузлилик даражаси лабораторияларда текширилмоқда.

Мақолада баъзи хўжаликларда пол олиш, марза ямаш, суғориш ишларининг сифатига эътибор етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилган. Вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси вилоят сув хўжалиги бирлашмаси билан биргаликда ҳар йили кузги-қишки юмушларнинг бошланиши олдидан пол олиш, шўр ювиш усуллари ҳақида қўлланмаларни жойларга етказиб беради. Бу ишларни бажаришда йўл қўйилган камчиликлар айрим хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларн масъулиятни сезмасликлари оқибати, деб ҳисоблаймиз.

Мақолада кўрсатилган хўжаликларда зах сувлардан фойдаланишга чек қўйиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилаяпти. Ленинград районидаги Ф. Шамсуддинов номли давлат хўжалигида 200 гектар ерни босқичма-босқич комплекс таъмирлаш режалаштирилди. Бу йилга 50 гектари киритилган. Асосан ушбу майдонларни сув билан таъминлайдиган Х—1—5 канали таъмирланиб, зовурларга ўрнатилган сув тортиш механизмларидан воз кечилади. Риштон районидаги «Партия XXV съезди» давлат хўжалигида Х—5А каналини таъмирлаш лойиҳаси тузилмоқда. Зарур ҳужжатлар тайёр бўлгач, у қурилиш режасига киритилади.

Марказий Фарғонадаги бетон ва лоток ариқларнинг ҳолати ўрганиб чиқилди. 2.305 кубометр ҳажмда бетон ишлари, 6212 та лотокни алмаштириш, 3295 тасини эса равонлаштириш, 17 та кўприк қуриш, 673 та сув иншоотини таъмирлаш каби ишларни бажариш лозимлиги аниқланди.

1991 йилнинг 8 апрелигача 66 кубометр бетон ишлари амалга оширилди, 170 та лоток алмаштирилди ва 94 таси равонлаштирилди, 8 та кўприк қурилди, 45 та сув иншооти таъмирланди. Ишларнинг бундай суст бориши бизни сира қониқтирмайди. Чунки илгариги район сув хўжалиги бошқармалари район сув хўжалиги ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва эксплуатация қилиш бирлашмаларига айлантирилди. Улар хўжаликлараро ва ички сув йўллари ҳамда иншоотларини таъмирлаш имкониятига эга. Лекин бунинг учун зарур материаллар (цемент, металл ва ҳоказо) етарли ажратилмайди. Ушбу ресурсларни жумҳурият Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги вазирликлари марказлашган ҳолда мақсадли йўналиш бўйича ажратиб беришса айни муддао бўлур эди. Мазкур масалани ҳал этишда «Қишлоқ ҳақиқати» ёрдам кўрсатишига умид қиламиз.

Қўриқ ерларнинг самарадорлигини ошириш бўйича 1990 йил ноябрь ойида вилоят ижроия қўмитасининг фармойиши чиқди. Бунда 1995 йилга қадар 21 минг гектардан кўпроқ суғориладиган ерларни комплекс таъмирлаш, 1993 йилгача 7.800 гектар майдонни тубдан текислаш ва 11.215 гектар арзик ерда чуқур ҳайдов ўтказиш кўзда тутилган. Ушбу ҳужжат қабул қилингандан бери 5.500 гектар тубдан текисланди, 6,7 минг гектарда чуқур ҳайдов амалга оширилди.

Кузги-қишки даврда вилоят бўйича 2 миллион 992 минг кубометр ҳажмда хўжаликлараро ва 8 миллион 12 минг кубометр ҳажмда ички хўжалик зовурлари тозаланиб, тартибга келтирилди. Бу борадаги топшириқлар тегишли равишда 109—119 фоиз уддаланди. Бултур ички хўжалик зовурларини тартибга келтириш учун давлат томонидан 1 миллион 200 минг сўмдан зиёд маблағ ажратилиб, 5 миллион кубометр ҳажмдаги ишлар бажарилди. Бу соҳадаги тадбирлар жорий йилда ҳам давом эттирилади.

Вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси ва сув хўжалиги бирлашмаси Марказий Фарғона ерларининг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ тадбирларни кўрмоқдалар ва уларнинг бажарилишини назорат остига оладилар.

**С. МИРЗАЕВ,**
**Фарғона вилояти деҳқончилик-саноат уюшмасининг раиси.**

**А. ЙУЛБАРСОВ,**
**вилоят сув хўжалиги бирлашмасининг бошлиғи.**

**МУҲАРРИРИЯТДАН: «Ер умрига завол бўлманг» мақоласига мутасадди идораларнинг раҳбарлари йўллашган жавоб бизни қониқтирди. Мақола чуқур ўрганилиб, аҳвол атрофлича муҳокама қилингани ва зарур тадбирлар белгилангани ҳаммамиз учун айни муддао. Вилоятнинг мутасадди идоралари бу ишларнинг боришини қатъий кузатиб боришларига умидвормиз.**



**Абдухалил Улмасов 30 йилдан буён Фарғона вилояти Сўх районидаги «Ленинград» давлат хўжалигида молбоқарлик қилади. Ўз касбининг устаси қарамоғидаги 40 бош бузоқни ҳар бирининг кунлик семириши 450—500 граммга тўғри келаётир.**

**СУРАТДА: А. Улмасов.**

У. ҚЎШВОҚОВ олган сурат.

*Меҳр-оқибат кунда керак*

# БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ НОНДЕК АРЗАНДА

Уруш... У қайси миллат тупроғида бўлмасин, ўз комига юзлаб, минглаб одамларни аждаҳодек ютади. Айниқса, йигитларнинг умрига зомин бўлиб, неча-неча авлодларнинг бахти ва иқболига болта уради.

Улуғ Ватан уруши бошланганда Абдумўмин 19 ёшда эди. У мерганлар сафида хизмат қилди. Кундуз кунлари душман томонидаги нуқтадек қорани ҳам аниқ нишонга оларди. Кечалари игнадек шуъла, ёруғлик кўрингудек бўлса унинг нигоҳидан қочиб қутилмасди. Ленинград остоналарида кўплаб душманларни ер тишлатди. Шундай мерган йигит кўзидан яраланди. Тўрт йилдан сўнг жангчи урушдан уйига қайтди.

А. Жўраев 1956 йилгача турли соҳаларда хизмат қилди. Вақт ўтиши билан урушнинг асорати кучайди. Баданида , қолган темир парчалари азоб бера бошлади. Танасидаги «бегона» қисмлар — ўқ парчаларини докторлар олиб ташлашди. Зарарланган кўз оғриғи кучайди. Соғ кўз ҳам хиралашди ва ниҳоят... кўрмай қолди...

Тақдир туфайли ёруғ дунёга кўзи ожиз бўлиб келган кишининг армони ўзгача. Лекин очиқ кўзлар ожиз бўлиб қолса — бу азоб. Ёруғ дунё бир зумда зим-зиё тунга, зулматга айланса, бундан оғир кулфат борми? Лекин инсон боласи ҳаммасига чидаркан. Унинг бардоши тошни ёришга ҳам қодир эканлигига Абдумўмин ака тақдирини кўриб яна бир бор имон келтирасан, киши.

Касал касал эмас, унга қараган касал, дейишади. Абдумўмин аканинг умр йўлдоши Маҳбуба опани кўриб, сабр-тоқатига минг бор таҳсин айтгинг келади. 35 йилдан буён турмуш ўртоғининг кўзи кўрмайди. Маҳбуба опа шу даврда 8 нафар фарзандни вояга етказди. Турмуш ташвишларига, оғир дамларга чидади. Яхши кунлар келишига ишониб, умид билан яшади. Ишонч одамзодни юксакларга ундайди. Ўғиллари йигит бўлди, қизларининг бўйи етди. Келин олди, қиз чиқарди. Абдумўмин ака эса гарчанд кўзлари кўрмаса-да ташқарига қараб, дераза олдида ётади.

Ҳа, у киши уруш туфайли шу аҳволга тушди. Соғлиги ҳам яхши эмас. Шу боис одамларга аралаша олмайди. Лекин қўл радио доимо унинг ёнида. Оламда нима гап бўлаётганини эшитиб ётади. Ҳолбуки, биз кўзи очиқлар, шундай ёнимизда, тор кулбада неча ўн йилдан бери кўрпачага михланиб қолган Улуғ Ватан уруши ногирони борлигини кўрмаймиз. Унинг ҳолидан хабар олишга фурсат топмаймиз. Район ижтимоий таъминот бўлими, ҳарбий комиссариати ходимлари унинг хонадонига деярли келишгани йўқ. Бошқа мутасадди ташкилотлар ҳам зиммасидаги масъулиятни турли баҳоналар билан соқит қилишга уринишади.

Улуғ Ватан уруши ногирони А. Жўраев яшаётган Бирлашган қишлоғи Зомин районининг биқинида. «Зомин» давлат хўжалигининг ҳудудида. Лекин хўжалик раҳбарларидан бирортаси бу хонадонга қадам ранжида қилмайди. Байрамларда кўнгил сўраб, ҳол-аҳволидан хабар олса бўлади-ку!

— «Зомин» давлат хўжалиги уйимни бирон марта таъмирлаб бергани йўқ, — дейди Абдумўмин ака. — Раҳбарлар «ўғилларингиз бор, ўзларинг амаллайверинглар» дейишади. Қишда кўмирдан қийналамиз. Совет Армияси, Ғалаба кунларида ҳам йўқлаб келувчиларга интизормиз.

Собиқ жангчининг сўзлари киши қалбини титратади. Ҳар қандай ақлли-ҳушли киши қорнига эмас, қадрига йиғлайди . Абдумўмин аканинг ўтмай қолган куни йўқ, албатта. Болаларининг топар-тутари ёмон эмас. Лекин у ўз йўлига. Уруш ногиронлари ҳамиша ҳурмат-иззатда бўлиши лозим. Ахир улар мана шу ёруғ кунларни деб, сизу биз учун жанг қилишган. Хўжалик маъмурияти Совет Армияси куни муносабати билан 50 сўм ёрдам пули ажратган экан. Лекин нима сабабдандир пулни беришмади. Фронтчи кўпроқ моддий ёрдамга эмас, раҳбарларнинг бир оғиз ширин сўзига муҳтож. Уруш ногирони кўзларини эшикка қадаб умр ўтказмоқда.

— Негадир бизнинг арзидодимизни раҳбарлар хайрихоҳлик билан тинглашмайди, — куйиниб гапиради Маҳбуба опа. — Икки қизим мактабни битиргандан буён иш топишолмайди. Ҳозир ҳам бекор. Ойнаи жаҳондан гоҳида кўриб қоламиз. Ногиронларга моддий ёрдам беришаяпти. Лекин бизга ҳеч ким назар солгани йўқ. Мана, сиз рўзномага ёзмоқчи бўлаяпсиз. Ёрдами тегиб қолар, деяпсиз, раҳмат. Натижасини кутамиз.

Умр ўтмоқда. Абдумўмин ака сингари ёрдамга муҳтож уруш қатнашчиларини боғлаб қўйган эмас. Ҳамма, жумладан у киши ҳам бу дунёга меҳмон. Шундай экан, оқибатли бўлайлик. Қўлимиздан келганича одамларга ёрдам берайлик.

Ўзбек халқи азалдан меҳр-шафқатли, саховатли оқибатли. Бу бизга аждодларимиздан қолган мерос. Меросга оёқ қўйиш гуноҳи азим. «Зомин» давлат хўжалиги, ноҳия меҳр-шафқат жамияти, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши А. Жўраевлар хонадонидан хабар олади, деб умид қиламиз. Наврўз айёмида хайрия фондига кўплаб маблағлар тушди. Ана шу фонддан Абдумўмин ака оиласига ажратилса нур устига нур бўларди.

Ахлоқ-одобга оид ҳадисда шундай дейилади: «Кимки кўзи ожиз одамни қирқ қадам етаклаган бўлса, унинг жаннатга кириши аниқдир». Меҳр-оқибатни, савоб ишни унутмайлик, азизлар!

Назаримда меҳр-оқибатнинг, мурувватнинг чегараси йўқ. Лекин нимагадир Абдумўмин ака сингари ногиронлар мурувватдан четда қолдилар? Ёки меҳр-оқибатнинг қийматини пул билан ҳисоблайдиганлар ҳам борми?

**А. СОДИҚОВ.**

